

ХОДЖКИН ЛИМФОМАСИДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК ТУРЛАРИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

М.А.Қадамова, У.А.Рузметов,

Авезов А.У., Айтимова Г.Ю.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали.

Сўнги ўн йилликлар давомида Ходжкин лимфомаси билан касалланиш даражаси Осиё мамлакатларидаги турли ёш гуруҳлари ва аёллар орасида ортиб бормоқда. Бугунги кунга қадар ушбу касалликнинг аниқ сабаби номаълум бўлиб қолмоқда, аммо турмуш тарзи ва метоболизм билан боғлиқ хавф омилларининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Лимфома лимфа тўқималарнинг малигнизациялашган неоплазмаси бўлиб лимфа тугун-ларнинг шикастланиши назоратсиз содир бўладиган турли хил ички аъзоларда малигнизацияланган лимфоцитларнинг тўпланишидир. Ходжкин лимфомасини аниқ ташхислаш учун беморлар лимфа тугунидан олинган биопсия материалларини замонавий талаблар асосида ўрганиш талаб кили-нади. Ташхис фақат гистологик текширувда ўзига хос, кўп ядроли Березовский-Рид-Штернберг ҳужайралари топилган такдирдагина аниқ ташхис қўйиш имконияти бўлади. Ходжкин лимфомасини ташхислаш учун бугунги кунда бутун дунёда олтин стандарт сифатида тан олинган иммуногистохимёвий текширув мажбурийдир. Чунки бу текширув аниқ даволаш тактикасини аниқлаш масаласини ҳал килиш имкониятини беради. Ушбу хусусиятларни ўрганиш касалликнинг эпидемиологиясини тушуниш учун муҳим ҳисобланади. Минтақада Ходжкин лимфомалари ҳақида маълумотларнинг етишмаслиги Хоразм вилоятида бундай тадқиқот зарурлигини таъкидлайди.

Тақдим қилинаётган асосан Ходжкин лимфомаси ташхиси қўйилган Хоразм вилоятида яшаётган ва Республика ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология илмий-амалий марказининг Хоразм филиалида 2019-2023 йиллар давомида даволанган 100 нафар бемордан олинган биоптатлар махсус мумли www.pedagoqlar.uz

39-son 1-to'plam Yanvar 2025

блоклардан қайта кесма олиниб, гистологик текширувлар учун қайта ишлов берилиб, буюм ойначасига кесмалар олиниб текширилди ва гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялиб ўрганилди.

Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар тури кўплаб лимфоид тўқимаси асосан майда ва эпителиоид лимфогистиоцитлардан ташкил топган. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган.

Нодуляр склероз турида лимфа тугунларининг диффуз ёки фокал шаклланиши билан ва лимфа тугун капсуласининг қалинлашиши, билан тавсифланади. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган. Маргинал зонада нодуляр склероз ўчоқлари аниқланади.

Лимфоид хужайралар сони кам бўлган тури номидан ҳам кўриниб турибдики лимфоцитлар сонининг камайиши ва кўпинча некроз ўчоқлари, шунингдек, Березовский-Штернберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган бўлиб, Ходжкин лимфомаси лимфоид хужайралар сони кам бўлган тури кўпроқ диафрагма остидаги лимфа тугунларни ва суяк илигини зарарлайди.

Ходжкин лимфомасининг аралаш тури лимфоид тўқимасининг тўлиқ ёки қисман Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари, плазмоцитлар, лимфоцитлар, гистоцитлар, нейтрофиллар, эозонофиллар шунингдек фибробластлардан ташкил топган диффуз хужайра инфильтратлари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган бўлиб, жуда кам учрайдиган туридан биридир.

Qadamova Marjona Asqarbekovna.

<https://orcid.org/0009-0002-4201-5940>